

А Ж Р И М

(Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа жазога алмаштириш ҳақида.)

2024 йил сентябрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, суд мажлисида Раислик қилувчи: А.Ю.Сайдуллаев, судья ёрдамчиси Ш.Тўракуловнинг котиблигида, томонлардан Навбаҳор тумани прокурори ёрдамчиси Ю.Абдуллаева, ҳимоячи А.Шариповнинг иштирокида, маҳкум Тухтаев Эркин Аслоновичга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа турдаги жазога алмаштириш тўғрисидаги Навбаҳор тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси юзасидан тўпланган иш материаллари билан бирга кўриб чиқди.

Маҳкум Тухтаев Эркин Аслонович, 1987 йил 08 июнда Навоий вилояти Навбаҳор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали 2 нафар фарзанди бор вақтинча ишсиз, муқаддам судланган. Навбаҳор тумани “Қалқонота” маҳалласида яшайди.

Суд, Навбаҳор тумани ИИБ бошлиғи томонидан келтирилган тақдимномани муҳокама қилиб, иш материаллари билан танишиб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Маҳкум Тухтаев Эркин Аслонович, 01.04.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисм “б,в” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, ЖКнинг 45-моддаси билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси, 59-моддаси 8-қисми тартибда 3 йил муддатга ойлик иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шунингдек 2 йил 6 ой муддатга ҳокимият тизимида моддий жавобгарлик ва мансабдорлик ҳамда ҳоким ёрдамчиси лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Маҳкум Тухтаев Эркин Аслоновичга нисбатан чиқарилган суднинг ҳукмини Навбаҳор тумани ИИБ Пробация гуруҳи 2024 йил 20 апрель куни ҳисобга олиб, ижро учун қабул қилган.

Навбаҳор туман ИИБ бошлиғининг тақдимномасида маҳкум Э.Тухтаев, ишга жойлашмасдан жазо ўташдан қасддан бўйин товлаб ИИБ ходимларидан яшириниб келаётганлиги сабабли, ўталмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини оғир турдаги жазога алмаштириш сўралган.

Судда аниқланишича, маҳкум Тухтаев Эркин Аслоновичга нисбатан чиқарилган суднинг ҳукмини Навбаҳор тумани ИИБ Пробация гуруҳи 2024 йил 20 апрель куни ҳисобга олиб, ижро учун қабул қилган ва шу куннинг ўзида ИИБ ходимлари томонидан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташнинг



шарти ва мажбуриятлари билан таништирилган, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг мазмун-моҳиятини тушунганлиги тўғрисида тушунтириш хати, тилхатлар олиниб, ишга жойлашиш учун йўлланма берилган.

Маҳкум Э.Тухтаев 01.12.2023 йилдан Навбаҳор тумани “Қалқонота боғи 2022” масъулияти чекланган жамиятга ишга жойлашиб шу ерда маълум муддат ишлаб жорий йилнинг 5 июнь кунидан ишдан бўшаган. Шундан сўнг маҳкум Э.Тухтаев, “Аҳолини бандлигига кўмаклашиш маркази” Навбаҳор туман бўлимига ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилмасдан ишга жойлашмасдан жазо ўташдан қасддан бўйин товлаб келганлиги сабабли, жорий йилнинг 10 июнь куни туман ИИБга чақиртирилиб, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг мазмун-моҳиятини қайта тушинтирилиб, ЖКнинг 46-моддаси билан огоҳлантирилишига қарамай ишга жойлашмасдан жазо ўташдан қасддан бўйин товлаб келган.

Натижада, маҳкум Э.Тухтаев суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташдан бўйин товлаб юрганлиги сабабли, жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 2023 йил 1 апрель кунги ҳукми ижроси таъминланмаган, маҳкум Э.Тухтаев суднинг ҳукми билан 3 (уч) йил муддатга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг жами бўлиб 6 (олти) ойини ўтаган ўталмаган муддати 2 (икки) йил 6 ойни ташкил қилади.

Маҳкум Э.Тухтаев жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, тумандаги бирор-бир ташкилот-корхоналардан бирига ишга жойлашмасдан, белгиланган чегирмаларни давлат фойдасига ўтказилишини таъминламасдан, ИИБ ходимларидан яшириниб 2024 йил апрель ойининг 20 кунидан 2024 йил сентябрь ойининг 11 кунига қадар яъни, 3 (уч) ой 6 кун муддат мобайнида суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасида “Агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўттиз кундан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради” деб белгиланган.

Суд, маҳкум Э.Тухтаевга нисбатан тўпланган ҳужжатларни муҳокама қилиб, Навбаҳор тумани прокурори ёрдамчиси Ю.Абдуллаеванинг фикрини тинглаб, жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб келганлигини инобатга олиб, маҳкум Э.Тухтаевни ўталмаган 2 (икки) йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан худди шу муддатга озодликни чеклаш тариқасидаги жазо билан алмаштиришни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Навбаҳор тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.



Маҳқум Тухтаев Эркин Аслоновичга жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 2024 йил 1 апрелдаги ҳукми билан тайинланиб, ўталмаган 2 (икки) 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси худди шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилсин.

Маҳқум Э.Тухтаевнинг зиммасига қуйдаги таъқиқ ва чекланишлар юклатилсин:

-куннинг кеч соат 21⁰⁰дан эрталаб соат 06⁰⁰га қадар Навбаҳор тумани “Қалқонота” маҳалласидаги яшаш уйидан чиқиши чеклансин;

-ИИБнинг розилигизиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-Навоий вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча тақиқ (чекланиш)лар юклатилсин.

Ажрим ижросини таъминлаш Навбаҳор тумани ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Жазо муддати, ажрим Навбаҳор тумани ИИБ Пробация гуруҳи ҳисобга олган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажримдан норози томон ушбу суд орқали 10 (ўн) сутка муддат ичида Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибда шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

/имзо/

А.Ю.Сайдуллаев

Ажрим аслига тўғри:

